

## **CRSWP БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА MET (TYROSINE KONASE RECEPTOR GENE) ГЕНИДАГИ МУТАЦИОН ЎЗГАРИШЛАР ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИ**

*Соатов Илёсжон Олим ўгли -PhD таянч докторант*

*Джураев Жамолбек Абдукахорович -т.ф.д., доцент*

*Тошкент тиббиёт академияси (Тошкент, Ўзбекистон)*

**Аннотация.** Ушбу геннинг промотор минтақасида жойлашганлиги ва функционал полиморфизмларга тегишли бўлганлиги сабабли, унинг мавжудлиги MET (tyrosine konase receptor gene) билан кодланган геннинг экспрессия тезлигига таъсир қилади деб таъкидлаш мумкин. Яллиғланиш реакцияси генининг намунаси БЁБ ва бурун бўшлиғи шиллик қаватининг иммун ва яллиғланиш жавоби етарли бўлмаган гиперяллиғланиш жавоб йўналиши бўйича ўзгартириши мумкин, бу эса янада оғир даражадаги CRSwPнинг ривожланишига олиб келади.

**Калит сўзлар.** MET (tyrosine konase receptor gene) гени, сурункали полипоз риносинусит, сурункали риносинусит, полиморфизм, кодланган ген, аллеллар ва генотиплар.

Сурункали полипоз риносинусит мураккаб мултифакториал касаллик бўлиб, организмдаги бир нечта генетик, иммунологик, атроф-муҳит ва шиллик қаватлардаги ўзгаришларни ўз ичига олади, лекин шунга қарамай ҳозирги кунгача этиологияси ноаниқ бўлиб қолмоқда. Турли хил аллергик реакциялар, шиллик қаватларни секретор фаолиятининг бузилиши, иммунитетнинг пасайиши, эпителий ҳимоясининг бузилиши, микроблар ва атроф-муҳитнинг таъсир қилиши каби кўплаб потенциал омиллар аниқланган. Генетик омилларнинг рўлини ва уларнинг CRSwP касаллиги патофизиологиясида ушбу омиллар билан ўзаро таъсирини аниқлаш учун кўшимча тадқиқотлар талаб этилади.

MET (tyrosine konase receptor gene) гени полиморфизмининг тарқалиш частоталарини ўрганишга, шунингдек ушбу полиморфизмнинг CRSwP ва CRS нинг юзага келиши, ривожланиши ва клиник кечишидаги ҳиссасини таҳлил қилишга бағишланган. Тегишли ҳайвонлар моделларининг йўқлиги, фенотипларни стандартлаштиришдаги қийинчиликлар, йирик текширувларни назорат қилувчи когорталарга бўлган эҳтиёж ва тадқиқотларнинг юқори нархи ва кам такрорланиши CRSwP патофизиологиясини ёритишда асосий тўсиқлардир. Сурункали полипоз риносинусит ва сурункали риносинусит билан касалланганлар орасида rs78116323 14C/G полиморфизми MET (tyrosine konase receptor gene) генида тарқалиш частотаси таҳлил қилинди.

CRS билан оғриган беморларда ва шартли-соғлом одамлар орасида MET генида 14C/G полиморфизмининг аллеллари ва генотиплари тарқалишини таҳлил қилиш натижалари бир хил кўрсаткичларни намойиш этиши кўрсатилган.

С ва G аллелларининг тарқалишини таҳлил қилиш давомида, назорат гуруҳида С аллелнинг 0,23 мартадан бироз камроқ, аниқроғи статистик жиҳатдан ишончсиз бўлганлигини кўрсатди, CRS бўлган беморлар орасида G аллелининг тарқалиши эса 0,8 баравардан камроқ устунликка эга бўлди. Шартли-соғлом одамлар орасида С/С генотиби ишончсиз, яъни CRS билан оғриган беморлар орасидаги унинг аниқланиш частотасидан 0,98 баравар юқорилиги аниқланди.

Бундан ташқари, MET генида 14C/G полиморф локусининг гетерозиготали С/G генотиби деярли бир хилда тақсимланганлиги, унинг аниқланиш частотаси эса ўрганилган иккала гуруҳда ҳам деярли бир хил даражада бўлганлиги аниқланди. CRS бўлган беморларнинг кичик гуруҳида жуда сезиларсиз ва статистик жиҳатдан ишончсиз тарқалиш қайд этилди.

## Адабиётлар

1. Claus Bachert, Ruby Pawankar, Luo Zhang, Chaweewan Bunnag, Wytke J Fokkens, Daniel L Hamilos, Orathai Jirapongsananuruk, Robert Kern, Eli O Meltzer, Joaquim Mullol, Robert Naclerio, Renata Pilan, Chae-Seo Rhee, Harumi Suzuki, Richard Voegels, Michael Blaiss. ICON: chronic rhinosinusitis, World Allergy Organization Journal, Volume 7, 2014, 25
2. Завадский А. В., Завадский Н. В. Сравнительное цитологическое и патогистологическое исследование полипов носа при частых рецидивах заболевания //Ринология. – 2014. – №. 3. – С. 6.
3. Шумкова Г. Л. и др. Хронический риносинусит у взрослых больных муковисцидозом: клинические проявления и подходы к лечению //Пульмонология. – 2019. – Т. 29. – №. 3. – С. 311-320.
4. Рязанцев С. В., Будковая М. А. Современный взгляд на лечение хронического полипозного риносинусита //Российская ринология. – 2017. – Т. 25. – №. 1. – С. 54-59.
5. Никулин М. И., Никулин И. М., Антонец С. С. Наш подход к лечению антрохоанальных полипов. – 2014.
6. Крюков А. И. и др. Интраназальные глюкокортикостероиды-препараты выбора при лечении воспалительной патологии полости носа и околоносовых пазух //РМЖ. – 2016. – Т. 24. – №. 21. – С. 1403-1406.
7. Пискунов Г. З. Полипозный риносинусит //М.: ГЭОТАР-Медиа. – 2016.
8. Сухачев П., Степанович А. С. О., Прохоренко И. О. МОРФОФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ПОЛИПОВ НОСА У ЛЮДЕЙ СТАРШЕГО ВОЗРАСТА //Редакционная коллегия: НО Захарова, АВ Николаева, ЕВ Тренева. – 2017. – С. 456.
9. Арипова М. Л., Халимова Т. Р. Оптимизация хирургического метода лечения и послеоперационное ведение больных с хроническим полипозным риносинуситом //РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ. – 2015. – С. 11.
10. Коркмиазов М. Ю., Белошангин А. С. Ремоделирование слизистой оболочки полости носа от длительности применения топических стероидсодержащих препаратов при полипозном риносинусите //Вестник Челябинской областной клинической больницы. – 2014. – №. 4. – С. 17-19.
11. Добрецов К. Г., Макаревич С. В. Морфологическая оценка слизистой оболочки полости носа у пациентов с хроническим полипозным риносинуситом //Российская ринология. – 2016. – Т. 24. – №. 3. – С. 13-16.
12. Аллахверанов Д. А., Юнусов А. С., Рябинин А. Г. Отдаленные результаты эндоскопических методов лечения хронического полипозного риносинусита //Российская оториноларингология. – 2015. – Т. 3. – №. 76. – С.158.